

# ҚУРЪОН ВА СУННАТГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

CONTEMPORARY  
APPROACHES TO  
THE QUR'AN  
AND SUNNAH

*Edited by MAHMOUD AYOUB*

(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

# ҚУРЬОН ВА СУННАТГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Махмуд Айуб**



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

*Бишкек 2022*

УДК 297.18  
ББК 86.38-2  
М 36

**Китоб ҳомийси:**

**Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)**

**Херндон Виржиния АҚШ**

**Билимлар интеграцияси институти (IKI)**

**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Махмуд Айуб

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Рахат: – Б.: 2022

Китоб мухаррири: Мирзахида Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва коидалардан ташқари, китобнинг бирон бир кисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аник ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасликланган № 78**

**Қуръон ва суннатга замонавий ёндашувлар (Uzbek)**

*Махмуд Айуб*

*ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 AH / 2022 CE

*Paperback ISBN 978-9967-08-952-5*

**Contemporary approaches to the Quran and Sunnah (Uzbek)**

*Mahmoud Ayoub*

*ИИТ «Books-In-Brief Series»*

The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)

1438 AH / 2016 CE

*Paperback ISBN 978-1-56564-684-1*

ИИТ

P.O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

[www.iiit.org](http://www.iiit.org)

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-08-952-5

УДК 297.18

ББК 86. 38-2

## **Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари**

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидири. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулюсалар катта хажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиласизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундейди.

“Қуръон ва суннатга замонавий ёндашувлар” – АҚШнинг Виржиния штати Херндон шаҳридаги Халқаро Ислом тафаккури институтининг штаб-квартирасида йигилган 2008-йилги Олимларнинг ёзги институтида тақдим этилган маҳсус танланган мақолалар тўпламидири. Ҳар йил ўтказиладиган ёзги институтнинг мақсади бу Қуръон ёки суннатни ўрганишга алоҳида қизиқиш ёки тажрибага эга бўлган тажрибали ва ёш олимларни бирлаштириш ва жалб қилиш. Ушбу тўпламни ташкил этувчи, бобларга бўлинган иншолар Қуръон ва суннатга боғлиқ турли муҳим мавзулардаги турли хил асарлардан иборат.

Қуръон ва суннат мусулмон иймони, ҳаёти, қонуни ва тақводорликнинг икки асосий манбаидир. Мусулмонлар учун Қуръон, илоҳий хабар ёки *ваҳий* (*wahy*) сифатида, улар иймонининг асоси ва суннат

ёки Мұхаммад Пайғамбарнинг (С.А.В.) ҳаётій намунаси уларнинг ахлоқининг асосицир. Улар биргаликда Худо қонунининг “шариат” (*Shari'ah*) иккى манбасини, кундалик ҳаётдаги фаровонлик ва баҳт-саодатга, шунингдек, охиратдаги роҳат-фароғатта йўллай-диган қўлланмани ташкил этади. Илоҳий илҳом (*ilhām*) бўлмиш Қуръон ва Суннат моддий ва расмий жиҳатдан иккита мустақил манба бўлса-да, улар динамик муносабатлар билан ажралмас боғлиқдир. Қуръондаги қарорлари ва буйруқлари (*aḥkām*) Худонинг қонунини (*Shar'*) тузади. Улар саҳиҳ суннатнинг кўрсатмалари билан тўлдирилган бўлиб, уларнинг обрўси фақат Қуръоннинг амрларидан кейин иккинчи ўринда туради. Қуръон бу *Китоб* (*Kitāb*) ва суннат – ҳикматидир (*ḥikmah*). Улар билан Худонинг охирги Пайғамбари Мұхаммад (С.А.В.) инсониятни Худога олиб борадиган тўғри йўлга (*al-ṣirāt al-mustaqīm*) ҳидоят қилиш учун юборилган. Бу китоб бутун дунё мусулмон жамиятлари ҳаётида Қуръон ва суннатнинг ўрни мусулмонлар ва ғайrimusulmonlарга эслатиб туриш учун хизмат қилиши кўзда тутилган.

---

Китоб асл нусхасининг қисқартирилган нашри

**ҚУРЪОН ВА СУННАТГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

ISBN hbk: 978-1-56564-578-3

ISBN pbk: 978-1-56564-577-6

2012

## **Биринчи боб**

### **Қуръонда бекор қилиш учун далиллар: танқид. Исрар Аҳмад Хан**

Қуръон атрофига айланувчи диний ва қонунчилик мунозаралари *фақиҳлар* (хуқуқшунос олимлар) (*fiqhā*) ва *муфассирларнинг* (изоҳловчилар ёки шарҳловчилар) (*mufassirūn*) турли тарафларга бўлинниб кетишига сабаб бўлган. Қуръонда бекор қилиш ҳақида ги мунозаралар бўйича мусулмон уламолари ўртасида икки тараф пайдо бўлди. Ушбу икки лагерь асосан бекор қилишни қўллаб-куватлайдиганларни ва бекор қилишни рад этадиганларни ўз ичига олиб, иккаласи ҳам бу масала бўйича ўз қарашлари тўғрилигини талаб қилмоқдалар. Бирок, бу икки гурухнинг даъволари борасида фақат икки эҳтимоллик бўлиши мумкин: ё олимларнинг ҳар икки гурухи бекор қилиш масаласида янглишган, ёки улардан фақат биттаси ҳақдир. Ушбу бобда Қуръондаги бекор қилиш таълимотининг тарафдор ва қарши далилларга оқилона ва танқидий қараш келтирилган.

“*Nasx*” (*Al-naskh*) сўзма-сўз икки нарсани англатади: 1) йўқ қилиш ва олиб ташлаш. Масалан, қуёш сояни олиб ташлайди (*nasx* қўлланилади), чунки қуёш кўтарилиши билан соя чекинади. Шундай мисоллардан бири Қуръонда ҳам учрайди: “...Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур...” (*nasx* қўлланилади, 22:52); 2) ҳужжатни бошқа жойга кўчириб олмоқ. Масалан, улар китоб кўчирилган дейишади. Бу маънонинг Қуръоний мисоли: “... Албатта, Биз қилган амалингизни ёзиб турган эдик”. (45:29) Шариатда (Ислом ҳуқуқ тизими) “*nasx*”нинг қўлланилишига келсак, у биринчи маънони англатади, чунки дастлаб одамлар учун мажбурий бўлган амрни бекор қилиши, уни алмаштириш билан ёки алмаштирумасдан бекор қилиш демакдир.

Ал-Зурқоний бекор қилишни “қонуний асосли далил ёрдамида ис-лом амрини бекор қилиш” деб таърифлади.

Бекор қилиш фойдасига илгари сурилган важлар бекор қилишнинг турли тоифаларга ажратилиши туфайли кўпdir. Бу далилларнинг барчаси икки хил бўлади: умуман бекор қилиш тушунчасини мустаҳкамловчи ҳамда Куръоннинг ўзида бекор қилиш мавжудлигини тасдиқловчи. Куръонда бекор қилиш ҳолларини тасдиқлаш учун келтирилган оятлар: 2:106, 2:269, 3:7, 4:160, 5:48, 13:39, 16:101, 17:86 ва 22:53. 2-суранинг 106-оятида шундай дейилади: “Оятлардан биронтасини *насх* қилсак ёки унутдирсак, ундан яхшисини ёки унга ўхшашини келтирамиз...” Бу оядта Худонинг ўзи томонидан қилинган бекор қилишнинг юзага келиши ёки эҳтимоли аниқ кўрсатилган. Бекор қилишнинг ҳимоячилари учун “оят” (*Āyah*) Куръондан олинган шеър демақдир. Куръонда “айя” (*Āyah*) сўзининг иккиласланган варианти 86 марта ва унинг кўплик сони “айят” (*Āyāt*) 296 марта ишлатилган. Бу ишлатишлар факат Куръоннинг “оят”нинг оддий маъносини англатмайди. Бекор қилиш тарафдорлари уч *саҳобага* (*ṣahābah*), яъни (Пайғамбарнинг саҳобаларига) Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Аббосга тегишли қуйидаги уч баёнотни ҳам келтирадилар. Умар бир баёнида: “Убай ибн Каъб бекор қилиш масалаларида бизларнинг энг билимдонимиз”, – деган. Ушбу хабарнинг ровийлари занжири йўқ ва шунинг учун унинг ҳақиқийлигини аниқлаш мумкин эмас. Бундан ташқари, Умарнинг сўзларини Куръонда бекор қилинишга ишора сифатида талқин қилиш шарт эмас.

Иккинчи баёнда Алининг нуқтаи назари у билан ривоятчи ўртасидаги сўзлашув шаклида келтирилган. Али ундан “бекор қилинган” (*al-nasikh*) ва “бекор қилинувчи” (*al-mansukh*) ҳақида била-дими, деб сўрайди. Йўқ деганда, Али уни огоҳлантиради: “Сен ўзингни ҳам бошқаларни ҳам ҳалок қилдинг”. Қандай қилиб бу хабар Куръонда “бекор қилиш” учун далил ҳисобланади? Ривоят қилувчи Али томонидан Куръонда бекор қилишни билмасликнинг жиддий оқибатларидан огоҳлантирилган Куръон муаллими бўлганми? Алининг Куръонда бекор қилиш ҳақидаги саволига зикр

қилинганми? Ҳақиқатан ҳам, ҳикоя қилувчи Қуръон ўқитувчиси бўлмаган ва унинг “ривоятчи” номи аниқ кўрсатганидек, у факат ҳикоя қилувчи эди. Агар у Қуръон ўқитувчиси бўлса, у хеч қачон ҳикоя қилувчи деб айтилмаган бўлар эди. Хабарда айтилишича, ривоят қилувчи аввалги Муқаддас диний китобларни тушунишига асосланиб, ҳар қандай турдаги ҳикояларни, шу жумладан, олдинги одамлар ва Пайғамбарларнинг ҳикояларини айтиб берар эди. Али ундан бекор қилиш ҳақидаги билимни сўраганда, у ундан Қуръондаги бекор қилинувчи оятлари ва аввалги Муқаддас диний китобларнинг бекор қилинган шеърлар ҳақида сўрагани мумкин. Ушбу хабар Қуръонда бекор қилиш учун далил эмас.

Учинчи ҳолатда, Ибн Аббосга мурожаат қилинади, чунки 2-суранинг 180-оятида қўйидаги амрда бекор қилиш талқини мавжуд: “Сизлардан бирортангизга ўлим келганда, агар у бойлик қолдираётган бўлса, ота-онаси ва яқинларига тўғрилик билан васият қилиш тақводорларнинг бурчи сифатида фарз қилинди”. Ибн Аббос 2:106 ва 3:7 каби оятлар унинг Қуръонда бекор қилиш ҳақидаги фикрини тасдиқлайди, деб талқин қиласди. Ушбу оятлар уларнинг маъноси ҳақида дикқат билан муҳокама қилинганлар. Улар Қуръонда бекор қилиш ҳақида эмас, балки аввалги Муқаддас диний китобларни Қуръон томонидан бекор қилиш ҳақида баён қилишмоқда. Ибн Аббоснинг исми ғаразли манфаатларга эга бўлгандар томонидан суиистеъмол қилинган.

Ал-Зурқоний Қуръонда амалда қўллаш мумкин бўлмаган баъзи оятлар мавжудлигини айтиш орқали Қуръонда бекор қилиш ҳақидаги далилни илгари сурди. Аммо, бекор қилинган ҳукмлар тўғрисида Қуръонда ҳеч қандай маълумот йўқ. Бундан ташқари, хадисларда ҳам бундай анъана йўқ. Ал-Зурқонийнинг баёнати факат тахминдир. Шунингдек, ал-Дехлавийнинг сўзларига кўра Қуръонда факат 2:180, 2:240, 8:65, 33:52 ва 58:12 оятлари бекор қилинган. Қизиги шундаки, бекор қилиш тарафдорлари ушбу беш оятни бекор қилинмаган деб эълон қилишди. Демак, Қуръоннинг биронта ояти бекор қилинмайди.

Куръондаги бекор қилиш келишилганлик (розилик) тушунчаси асосида мавжуд деган даъво бор. Аслида, мусулмон олимлари орасида Куръонда бекор қилиш ҳақида яқдиллик йўқ. Олимлар гурухларга бўлинган, улардан бири уни қўллаб-қувватласа, иккинчиси уни рад этади. Бунга қўшимча тарзда, келишилганлик даъвоси бугунги тарихий ҳақиқатга зиддир. Розийнинг айтишича, мусулмон уламолари орасида келишилганлик Куръон ҳукмларининг амалий аҳамиятини бекор қилиш учун етарли эмас.

Бекор қилиш назариясига қарши ҳаракатнинг бошида Абу Муслим ал-Асфаҳоний (*Abu Muslim al-Asfahānī*) турган. Унинг Куръонда бекор қилиш даъвосини рад қилиш важлари икки хил бўлади: Куръон таърифлаши ва Куръон тафсиридир. Унга кўра, Куръонда бекор қилишни инкор этадиган Куръон баёноти шу: “Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам *ботил* келмас. У ўта ҳикматли ва ўта мақталган зотнинг туширганидир”. (41:42) У бекор қилиш назариясини *ботил* (*bātil*) деб эълон қилди. Ал-Асфаҳоний Куръон оятларини бекор қилишдан кўра тафсир қилишни таклиф қилган.

2-суранинг 185-оятида шундай дейилади: “Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Куръон туширилгандир...” Ушбу фазилатлар бутун Куръонга тааллуқлидир. 4-суранинг 82-оятида бундай дейилган: “Куръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар”. Бу баёнотга кўра, Куръон ҳар қандай зиддиятлардан холидир. 5-суранинг 3-оятида шундай дейилади: “...Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал килиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим...” Бу хабарнинг нозил бўлиши билан Пайғамбар (С.А.В.) ва унинг саҳобалари Куръоннинг мукаммаллигига амин бўлдилар.

11-суранинг 1-оятида бундай дейилган: “*Алиф. Лом. Ро.* (Ушбу) китоб оятлари маҳкам қилинган, сўнгра ҳикматли ва хабардор Зот томонидан муфассал қилингандир”. 17-суранинг 82-оятида шундай дейилади: “Биз Куръонни мўминлар учун шифо ва раҳ-

мат ўлароқ нозил қилурмиз...” Демак, Қуръоннинг ҳар бир қисми, шубҳасиз, бекор қилиш тарафдорлари эълон қилган нарсалардан фарқли ўлароқ, даво хисобланади. 36-суранинг 2-ояти: “Қуръони Ҳаким ила қасам”. Ушбу оят Қуръонни Ҳаким (*Hakīm*), яъни доно деб атайди. Аллоҳнинг ҳар бир амрининг маъноси ва муҳимлиги бор. Агар Қуръоннинг бирон бир ояти инсон учун аҳамиятсиз деб ташланса, унда Қуръон у қадар доно бўлиб қололмайди. 39-суранинг 28-оятида шундай дейилади: “Арабча Қуръонни эгриликсиз қилиб (туширдики)...” Табиийки, бу оятда берилган маълумотлар ҳақиқатни ифодалайди.

Қуръон Пайғамбарга (алайхиссалом) нозил қилинган. Аллоҳ унга Қуръонни тушунтиришни (*bayān*) ҳам ато қилган. Пайғамбар (С.А.В.) томонидан Қуръоннинг бирон бир ояти амалда яроқсиз эканлиги тӯғрисида ҳеч қандай тӯғридан-тӯғри баёнотни топа олмаяпмиз. Агар у бу масалада индамай турган бўлса, унда битта ҳам оят бекор қилинмаган. Бекор қилиш назарияси Қуръон яхлитлигига салбий таъсир кўрсатади. Қуръоннинг асл мавқеини йўқотишига сабаб бўлган ҳар қандай нарса мантиқан рад этилади.

## Иккинчи боб

### **“Адолатли уруш” тушунчасини Қуръон асосида шакллантириш Оиша Мусо**

Жиҳодга “муқаддас уруш” сифатида қарашнинг оммалашган фикри қўплаб сохта олимлардан келиб чиққан тобора кучайиб бораётган Исломга қарши ташвиқот томонидан кувватланди. Файримусулмонлар ҳам, мусулмонлар ҳам бу атаманинг тушунмовчилигини кўрсатади. Тарғиботчилар Исломни табиатан зўравон сифатида тасвирлашади, жанговарлар эса Исломга ҳужум қилиб кўрганларига зўравонлик билан жавоб берадилар. Жанговарлар-

нинг хатти-ҳаракатлари билан тарғиботчиларнинг сўзлар ўртасида йўқолган нарса Куръонда жиҳод сўзининг ишлатилишнинг ҳар қандай маъноси ва бу куролли тўқнашувга қандай боғлиқлиги ёки бўлмаслиги мумкин. Бугунги кунда олдимиизда турган вазифала-римиз: Куръон асосида жиҳоднинг ҳақиқий тушунчасини ошкора қилиш ва Куръонга асосланган “адолатли уруш” тамойилларини шакллантириш учун ушбу тушунчанинг қуролли тўқнашувларга муносабатини қандай белгилашини аниқлашдир. Бу бобда матнни замонавий нуқтаи назардан сўзма-сўз ва яхлит таҳлил қилиш, шунингдек, (*tafsīr al-qur’ān bi al-qur’ān*) шарҳловчи тамойилни (Куръон Куръон ёрдамида тушунтириш) ва (*al-aṣl fī al-kalām al-ḥaqīqah*) ҳукукий тамойилни (нутқнинг туб қоидаси – том маъноси) қўллаш таклиф этилади.

Жиҳод масаласида Куръон нуқтаи назарини қидириш мухим, чунки мусулмонлар Куръон Аллоҳнинг китоби ва Ислом эътиқодлари билан амалларини белгилаб берувчи олий ҳокимиятдир, деб ишонишади. Бошқа барча манбалар ундан хабар олади ва унга бўйсунади. Шунинг учун Куръоннинг тафсири ва тушунтириши, Куръоннинг баъзи қисмлари бошқаларини изоҳлайди деган фикрга асосланиб, Куръоннинг ўзидан бошланади. Шу тарзда, бундай яхлит таҳлилдан ишлаб чиқилган тамойиллардан, шунингдек, ба-шоратли анъаналар (ҳадислар) ва биографик адабиёт (*sīrah*) каби бошқа манбалардан олинган маълумотлар билан биргалиқда замонавий вазиятларга ҳаётий исломий жавобларни шакллантириш учун фойдаланиш мумкин.

Куръон курашга ишора қилганда, жиҳод сўзини ишлатмайди. У “қитал” (*qītāl*) сўзини ишлатади. Куръонда муқаддас уруш (*al-ḥarb al-miqaddasah*) тушунчаси йўқ. Жиҳод атамаси кўпинча урушга мурожаат қилиш тушунилса-да, Куръон ҳар доим ундан анча кенг маънода фойдаланади. Куръонда уруш ҳақида тўғридан-тўғри гапирилганда, кўпинча “қитал” (*qītāl*) атамаси ишлатилади. Жиҳод оти Куръонда атиги тўрт марта учрайди. “Жаҳада” феъли (*jāhada*, яъни курашмоқ, интилмок) турли шаклларда 31 марта содир бўлади. Уларнинг ҳеч бири *кураши* ёки ҳарбий ҳаракатлар билан бевоси-

та боғлиқ әмас. Қуръонда “жсаҳада” феъли (*jāhada*) юзага келган 31 ҳолатнинг 14тасида Аллоҳ үйлида интилиш иймон келтирғанларнинг фазилати сифатида жуда умумий маънода ишлатилади. Қуръонда “жсаҳада” (*jāhada*) сўзининг кенг тарқалиши, умумий ишлатилиши мумтоз мусулмон ҳуқуқшуносларини жиҳоднинг тўрт турини тан олишга олиб келди: қалб жиҳоди, тил жиҳоди, қўл жиҳоди ва қилич жиҳоди. Булардан биринчиси, ўз қалбини шайтон таъсиридан поклашга уриниши – “буюк жиҳод” саналади. Тил ва қўл жиҳодлари ишончли миссионерлик ҳаракатлари ва хайрли ишларга ишора қиласди. Қилич жиҳоди эса айнан одил ва зарурий куч ишлатишидан (зўравонликдан) фойдаланишни назарда тутади. Гарчи одил ва зарурий куч ишлатишидан фойдаланиш жиҳоднинг бир тури бўлса-да, “жиҳод” атамаси уруш билан маънодош әмас.

Жиҳод сўзи сингари, “қитал” (*qitāl*) сўзи ҳам феълдан ясалган отнинг учинчи шаклидир. Унинг илдизи *q-t-l* бўлиб, “ўлимга сабаб/ўлдириш”нинг маъносини англатади. Ушбу *q-t-l* илдизи Қуръоннинг 122-оятида 170 марта учрайди. Бундай ҳолатларда “кураш” (*qitāl*) сўзи ўнта оят да 13 марта учрайди ва унга мос келадиган “қатала/йуқатилу” (*qātala/yuqātilu*) оти 52 марта топилган. “Қатала” (*qātala*) сўзи (ўлдирмоқ) турли хил тусланишларда ва феълдан ясалган “қатл” (*qatl*) оти билан бирга 77та оятида 98 марта учрайди. Қуръонда қотиллик ҳақидаги умумий қарори 17-сурасининг 33-оятида баён этилган:

“Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли...”

5-суранинг 32-оятида шундай дейилади:

“Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади...”

Қуръонга кўра, ахлоқий нуқтаи назардан ушбу шартлардан бири бўлмаган тақдирда бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади.

Интилиш (*jihad*) ва *кураиш* (*qitāl*) масаласида тушунтириш учун Қуръоннинг айрим қисмларидан фойдаланган ҳолда, тўртта умумий тамойил аниқ бўлиб чиқади. Баъзан курашиш керак, тажо-вузкорлик эса тақиқланган. Кураш тажовуз ва адолатсизликнинг айрим турларига жавобдир. Сабаблар тўхтаганда ва тажовузкорлар тинчликка интилганда кураш ҳам тўхтайди. Бу тамойиллар Қуръонга асосланган тузилмани ташкил этади ва унда мусулмон олимлари Пайғамбарлик суннати тафсилотини, шунингдек, замонавий сиёсий ва ижтимоий воқеликни ҳисобга олган ҳолда замонавий даврда урушни оқлаш ва урушни адолатли олиб боришнинг батафсил назариясини ишлаб чиқишилари мумкин.

## Учинчи боб

### Диний плюрализм ва Қуръон Маҳмуд Айуб

Динларнинг қўплиги ва хилма-хиллиги маданиятлар ва цивилизацияларнинг қўплиги ва турли-туманлигини акс эттиради. Қуръоний дунёқарааш, инсониятнинг ирқий ва маданий ўзига хослиги турли-туманлигига ва инсоннинг Худони билиш ва унга ишониш туғма қобилиятига урғу бериб, инсониятнинг турли хил динларини ушбу якуний мақсадга илоҳий равишда олдиндан белгиланган йўллар сифатида тан олади. Шунинг учун мен аввал плюрализмга диний ва фалсафий жиҳатдан таъриф бераман. Кейин мен уни Яқин Шарқдаги цивилизацияларнинг тарих доирасида мувофиқлаштиришга харакат қиласман. Нихоят, Қуръонда диний плюрализм ҳақида айтиб бераман. Плюрализмнинг лугавий маънози – бирликка қарама-қарши бўлиб, қўпликни англатади. Бундан ташқари, қўплик айрмани ва шу боис хилма-хилликни назарда тутади. Диний нуқтаи назардан диний плюрализм иборасини бир томондан диний эксклюзивизмдан\* ва иккинчи томондан диний инклюзивизмдан\*\* ажратиш керак. Диний плюрализм – дин-

ларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини табиий ёки илоҳий ҳодиса сифатида тан олишдир. Шундай бўлса-да, агар диний плюрализм турли динларнинг издошлари ўргасида конструктив мулоқот учун мазмунли асос бўлиб хизмат қиласа, унда барча динлар ёки ҳеч бўлмагандан барча теистик динлар ҳақиқатга ёки мутлақ ҳақиқатга қонуний йўллар деб тан олиниши керак. Барча асосий динлар ҳақиқат битта эканлигини ва у инсон тушунчасидан устун деб даъво қиласидилар. Бироқ, барча динларнинг мақсади ҳақиқатни излаш ва уларнинг барчаси бу мақсадга олиб борадиган йўллар бўлиши керак, чунки “...Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз...” (2:156)

Теистик динларнинг барча ёзувлари орасида Қуръон ўзининг дунёқарашини илоҳий бирлик ва инсоният хилма-хиллиги, шу жумладан, динларнинг кўплиги шароитида ўрнатганлиги билан ўзига хосдир. Бундан ташқари, у диний хилма-хилликни Худонинг аломатларидан бири (*āyāt*), “осмонлару-ернинг яратилиши”дан кейин иккинчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Шунингдек, у диний плюрализм ҳақидаги қарашларини бирмунча прогрессив тарзда тақдим этади. Қуръон ҳар қандай дин ҳақиқатини ўрнатиш учун зарур бўлган тўртта асосий тамойилни белгилайди. Биринчидан, ҳақиқий дин нозил қилинган илоҳий ёзувларда ёки муқаддас қонунларда, яъни “шариатда” (*Shari‘ah*) мустаҳкамланиши керак. Иккинчидан, у Худонинг мутлақ бирлигини тасдиқлаши зарур, “*tawḥīd*” (*tawḥīd*). Учинчидан, у Худога ва охират кунига фаол иймон келтириши лозим. Нихоят, у тақволи ҳаётни – “эҳсон” (*iḥsān*) ни тарғиб қилиши даркор. Ушбу тўрт тамойил асосида Қуръон мусулмонлар, яхудийлар, насронийлар ва Сабияликларнинг эътиқоди ҳақиқатини тасдиқлайди.

Динлар ва муқаддас китобларнинг кўплиги охир-оқибатда Одам Атодан Мұхаммадгача бир-бирига эргашган бутун дунё маросимида Пайғамбарлар ва элчиларнинг кўплигидан келиб чиқади. Биз Қуръон баёнига таянамиз: “...Қайси бир умматки бўлса, унда огоҳлантиргувчи бўлган”. (35:24) Қуръоннинг бу дунёқарашига кўра, инсоният тарихи башоратли тарихдир. Аслида, башоратли

тариҳ Худонинг Пайғамбарлари ва элчиларининг топшириғи орқали инсониятни бошқариши тарихдир. Бундан ташқари, бепарво инсониятга Худо билан тузган асл аҳдини қайта-қайта эслатиб туриши керак бўлган илоҳий раҳбарлик ваъда қилинган.

Қуръон динни икки хил, лекин ўзаро боғлиқ ўлчовларда тақдим этади. Биринчиси, Ислом, Христианлик ва Яхудийлик каби институционаллаш-тирилган динлар. Бу ўзларнинг издошларига яхудийлар, насронийлар ва мусулмонлар сифатида ҳуқуқий ва ижтимоий ўзига хослигини берадиган ибодат қонунлари ва маросимлари учун асосдир. Ҳар уч урф-одат ҳам идеал тарзда Қуръон буни номлаганидек, ўз фарзандларини мусулмон деб атаган “отангиз Иброҳимнинг дини” (*millat abikum Ibrāhīm*) деб ташкил этилиши керак. Институционаллаштирилган динлар улар кўрсатадиган ички ўлчов учун зарур восита ва пойdevордир. Қуръон ушбу ички ўлчовни “*фитра*” (*fitrah*) ёки Худонинг барча инсоний ижодларини асл яратиши деб атайди. Ушбу илоҳий соғ ижод – ҳар бир туғиладиган инсоннинг Худони билиш ва Унга эътиқод қилиш туғма қобилиятидир. Бу эса шуни англатадики, ҳар бир фарзанд покдомон туғилади.

Қуръон нафақат диний хилма-хиллик ва қўпчиликни тан олади, балки динлараро муносабатларини бошқариши керак бўлган таомойилларни ҳам белгилаб беради. У барча ибодат жойларини хурмат қилиш ва ҳимоя қилишга чақиради. Худо дейди: “...Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф қилиб турмаса, узлатгоҳлар, қанисалар, ҳавралар ва Аллоҳнинг номи кўплаб зикр қилинадиган масжидлар вайрон қилинган бўлур эди...” (22:40) На Қуръон, на Пайғамбарлик анъанаси яхудийлар ва насронийлар ўзлари хоҳламасалар ўз диний эътиқодидан воз кечиб, мусулмон бўлишни талаб қиласди. Исломдаги бу диний эркинлик катъий Қуръон баёнотига асосланган: “Динга мажбур қилиш йўқ...” (2:256) Бу фактнинг тасдиқлаши эмас, аниқ кўрсатмадир.

Қуръон ва Пайғамбарлик анъанаси мусулмонларга ва бошқа динларнинг издошларга асосий тамойиллар бўйича мазмунли суҳбат,

ҳамкорлик ва келишувга киришишни буюрган. Бу Қуръоннинг “умумий кўтарилишнинг адолатли қаломи” деб аталиши: “Эй ахли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик, дегин...” (3:64) Аслида, ахли китобларнинг (*ahl al-Kitāb*) хуқуқий номи анча ўзгарувчан эди. Мусулмонлар кўпроқ диний урф-одатларни ўргангандаридек, унга кўпроқ жамоалар қўшилдилар.

Барчамизнинг синови Аллоҳга иймон келтириш ва солих амалларда бир-биrimiz билан мусобақалашишdir. Бу имтиҳондан келиб чиққани шуки, барча иймон ахли бир-бирларини хурмат қиладилар ва Худонинг барча ваҳийларига ишонадилар. Ислом, Христианлик ва Яхудийликнинг издошлари учун Куръон нафақат жиддий синов, балки катта умидdir. Ваъда шу: “Агар улар Тавротга, Инжилга ва уларга Роббиларидан нозил бўлган нарсага амал қилгандарида эди, албатта, тепаларидан ҳам, оёқлари остидан ҳам (ризқ) еган бўлардилар...” (5:66)

## Тўртинчи боб

### **Яхудий-насроний Муқаддас Китобига нисбатан Куръони Карим: Муқаддас Китоблардаги умуминсоний ва хусусий нарсаларга мусулмон қарашлари Холед Труди**

Мусулмонлар Куръон умуминсоний қўлланма сифатида барча одамларга мурожаат қилувчи кўчирма гапни тақдим этишга мўлжалланган, деб ҳисоблашади. Ўзига хос бўлса, аввалги яхудий-насроний ёзувлари, Ислом анъанасига кўра, Худонинг Пайғамбари раҳбарлигига маълум миллат учун мўлжалланган муайян маънавий ва дунёвий ишларга эгадир. Мен, мусулмонлар нима учун Қуръоннинг устувор нозил қилинган китоби “умумбашарий” (*tihaŷin*) ва яхудий-насроний муқаддас ёзувлари “хусу-

сий” эканлигига ишонишларини ўрганяпман. Ҳар хил Қуръон оятларини таҳлил қилиш ушбу тадқиқотнинг турли ёндашувларини амалга ошириш учун ишлатиладиган усулни таъминлайди.

Исломда Қуръонга биноан (42:15), барча нозил қилинган илоҳий китобларга иймон ғояси иймон рамзига айланади. Қуръондаги (43:4), (13:39) ва (56:78) каби кўплаб оятлар шуни кўрсатадики, барча муқаддас китоблар “Китобнинг онаси” (*Umm al-Kitāb*) ёки “Яширин китоб” (*al-Kitāb al-Maknūn*) деб номланган, ягона манбасининг (самовий асл нусхаси) бир қисми бўлиб, ушбу ягона манбадан келиб чиқкан. Шу тарзда, Қуръон, айниқса, аввалги Пайғамбарларнинг ривоят қисмлари, мусулмонлар учун Пайғамбарлар устун бўлган илоҳий ёзувларнинг бирлигининг асосий диний манбаи ҳисобланади. Шу боис Мухаммад Пайғамбаримиз (С.А.В.) ва барча мусулмонлар Нух, Иброҳим, Мусо ва Исонинг (алайҳимуссалом) башоратларига, шунингдек, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ қилмасдан, улар келтирган Муқаддас Китобларга биринчи иймонлилар бўлишлари шарт. Бундан ташқари, Қуръоннинг 42:13, 3:95, 2:130-133 ва 22:78 оятлари Яхудийлик, Христианлик ва Ислом дини “илоҳий ваҳийнинг умумий илдизига эга ва уларнинг асосий манбасини фақат битта диний урф-одат эмас, балки битта дин деб ҳисоблаш мумкин” деб таъкидлайдилар.

Бироқ, баъзи Ғарб олимлари Мухаммад (С.А.В.) Пайғамбарлик фаолиятининг дастлабки тўрт йилида аввалги китоблар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлигини таъкидлаб, бу эътиқодни танқид қиласидилар. Бошқа томондан, улар унинг Исломни “аввалги библия динлари нуқтаи назаридан” кўрганлигини даъво қилишади. Бундан ташқари, улар “кўплаб мусулмонлар бошқа динларни танқид қилувчи парчаларни таъкидлашни ва бошқа динларни мақтаган қисмларни эътиборсиз қолдиришни ёки оқлашни афзал кўришади”. Уларнинг таъкидлашича, “мусулмонлар бошқа динларни уларнинг кўзларида мукаммал дин бўлган Ислом нуқтаи назаридан кўришади”.

Бироқ, ушбу далилларнинг асосий муаммоси – Мұхаммад Пайғамбарнинг (С.А.В.) мартабасини ва Қуръонни хронологик ўрганишни икки алоҳида даврга – Маккий ва Мадиний даврларига ажратиш. Бу кўпчилик замонавий олимлар томонидан тўлиқ қўллаб-кувватланадиган амалиётдир. Раҳмоннинг сўзларига кўра, Қуръон оятларини танқидий ўрганиш кеч Маккалик босқичи ва эрта Мадиналик босқичи билан асосий ўхшашликларни келтириб чиқарадиган аста-секин ривожланишни, муайян ўтишни очиб беради. Улар тушунмайдиган нарса шундаки, аксарият мусулмон шарҳловчилари аслида Яхудийлик ва Христианлик динига эътибор беришган, уларнинг тарафдорлари Пайғамбарлар ҳам, китоблар ҳам (хоҳ Инжил, хоҳ Таврот бўлсин) марҳамат олганлар. Шунинг учун улар бошқа дин вакилларига қараганда қаттиқроқ меъёrlар билан ҳукм қилиниши керак эдилар.

Бундан ташқари, Рашид Ризога кўра (Rashid Rida) “элчи фақат ақл идрок етган нарсани тасдиқлаш, ўлимдан кейин бўладиган нарслар ва Худога ёқмайдиган ибодат усуслари каби ҳаётий аҳамиятга эга бўлган масалаларни аниқлаш ва тушунтириш учун келади”. Ризо, шунингдек, Худога ва охират кунига бўлган ишониш одамнинг Худонинг қасди билан боғлиқ бўлган энг кам маъсулияти эканлигини тушунтиради. Ушбу хабарни эшитган ҳар бир киши, башоратли ваҳийнинг фойдасини олганидан қатъий назар, бунга ишониши зарур. Ислом илоҳиётшунослигига Пайғамбарлар барча миллатларга бир оз тафсилотлар ўзгариб турадиган муайян муқаддас хабарлар билан юборилган, деган фикр чукур илдиз отган. Қуръондаги 5-суранинг 3-оятига биноан, *ваҳий* ва башоратнинг ушбу цикли Ислом келиши билан тугамоқда.

Ислом анъаналарига кўра, “Ҳақиқат бўлган китоб – бу Худонинг тарихга такрорий аралашувининг қисқача мазмуни бўлиб, у қатъий равшан бўладиган намунавий мувофиқликни қўлга киритади”. Қуръон 5-сурасининг 48-ояти ва шунга ўхшаш ояtlар устунлик қилувчи нозил қилинган китоб ғоясини аниқ қўллаб-куватлайди. Барча мусулмонлар, Худо Қуръонни Китоблар ёки улардан олдин юборилган ҳамма ваҳийларни тасдиқловчи ва мудофаа

қилувчи сифатида ҳақиқат билан туширганлигини тан олишлари лозим. Бунинг устига, башоратни якунлаш тушунчаси Қуръонда 33-сурасининг 40-оятида ва шунга ўхшаш оятларида аниқ ифода этилган бўлиб, унда барча мусулмонлар Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В.) Худо томонидан инсониятга юборилган охирги Пайғамбар эканлигига эътиқод килишлари зарурлиги эслатиб ўтилган.

Аммо Қуръонда Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В.) “янги” Ислом динини Библиядаги урф-одатлар билан, айниқса, ахли китоблар (*ahl al-Kitāb*) Пайғамбарлари билан боғланган ягона қонуний шахс эканлиги таъкидланган. Улар орқали эса Иброҳим (алайхиссалом) Нуҳ ва Одам Атонинг (алайхимуссалом) авлодидир. Шунга кўра, мусулмонлар “барча яхудийлар ва насронийлар араб Пайғамбари га ишониш ва уларнинг нақлларининг давомчиси деб ҳисоблашлари учун даъват этилади”, деб эълон қилишади. Мусулмон шарҳловичлари устун бўлган муқаддас китоб ғоясини Пайғамбарлар, яхудийлар ва христианлар тарихи билан боғлашган. Улар Яхудийлик ва Христианликни ҳақиқий ягона диннинг шакллари бўлган ва тарихнинг маълум бир даврида фаолият юритган ҳақиқий динлар деб ҳисоблаганлар. Ислом нақлига биноан, Худо Мусо ва Исо Пайғамбарларини (алайхимуссалом) факат Бани Исроилга юборган, Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В.) эса бутун дунёга топширик билан келган. Ушбу тушунча мусулмон изоҳловчиларнинг Мусо ва Исонинг (алайхимуссалом) топшириклари вақт ва макон жиҳатидан чекланган эканлиги ҳақида баҳслашишига сабаб бўлди. Шу сабабларга кўра, мусулмонлар Муҳаммад Пайғамбарнинг (С.А.В.) вазифаси умумбаширий бўлиб, жуғрофий, этнологик ёки этник чегаралар билан чекланмаган деб ҳисоблашади.

Мусулмонлар Қуръонни бутун инсониятга хабар, Худонинг бирлигининг “*tawḥīd*” (*tawḥīd*) бутпарамстлик устидан ғалабасини таъминлаш ва яхудий-насронийларнинг Библия ҳақидаги нотўғри тушунчасини ҳамда Исога (алайхиссалом) нисбатан насронийларнинг хатоларини тузатиши учун келган *ваҳий* деб билишади. Ягона “ҳақиқий дин”нинг мавжудлигини ва унинг қонунларнинг асослигини ҳисобга олган ҳолда, мусулмон шарҳловчилар асл соғлигини ҳисобга олган ҳолда, мусулмон шарҳловчилар асл соғ

эътиқод борлигини ва Ислом унинг инсоният учун намоён бўлиши эканлигини таъкидлайдилар. Аслида, унинг қонунчилиги, аввалги мукаддас ёзувларнинг қонунлари ва амрларидан фарқ қилувчи қонунлар ва амрларни ўз ичига олган бўлса-да, асосан бир хил бўлиб, фақат ҳозирги замонга мос бўлмаганларни алмаштиради.

## **Бешинчи боб**

### **Қуръонда тафсир, ижтимоий фанлар ва яхудийлик Муҳаммад Абу-Нимер**

Ислом тарихи давомида диний уламолар барча масалаларда фикрлари қадрли бўлган ижтимоий зиёлилар сифатида қарашган. Дарҳақиқат, ушбу олимлар баъзи бир даврларда бошқа фанларда, шу жумладан, физика, алгебра, кимё, астрономия ва тиббиётда юқори натижаларга эришдилар. Бироқ, Қуръон тафсирларида билдирилган фикрлар ҳозирги замон Ислом ислоҳотининг шарти бўлган жуда оз танқидий таҳлил олган. Мана бу ерда ушбу тафсирчилардан ва Қуръон олимларидан баъзиларининг Қуръондаги яхудийлар ҳақидаги қарашлари нуқтаи назаридан қисқача фикр юритаман.

Муҳаммад ибн Баҳодир ибн Абдуллоҳ аз-Заркашӣ (Mohammed ibn Abdullah ibn Bahādīr az-Zarkashī, 1391-йилида вафот этган) шарҳловчилар учта сабабга кўра зарур деб тушунтирган: одамлар ўзларининг ақлий қобилияtlари билан фарқ қилишади, шунинг учун баъзи ўқувчилар тушуниш учун ёрдамга муҳтож бўлишлари мумкин; Қуръоннинг баъзи қисмлари оддий одам учун тушунарсиз бўлган баъзи тахминларга асосланган ва баъзи сўзлар бир нечта маънога эга бўлиши мумкин ва фақат илмий мутахассислар томонидан тушунилиши мумкин. Аз-Заркашӣ бу соҳада бўлажак олимлар учун асосий билимлар талабларини, шу жумладан, класик Араб тили дикцияси ва фонетикаси, шунингдек, “Сабаби ну-

зул” (*asbāb al-nizūl*, яъни ваҳий нозил бўлишига боис бўлган нарса) тақдим этди. У Қуръоннинг баъзи қисмларини умумий шакли (*ittim al-ṣighah*) ва маҳсус сабаби (*khuṣūṣ al-sabab*) туфайли тушуниш қийин бўлиши мумкинлигини тушунтириди. Баъзи оятлар ўзларининг ифодаларида умумий бўлиб кўриниши мумкин, аммо улар аниқ бир ҳолатга тегишли бўлиши мумкин.

Жалолиддин ас-Суютий (1505-йилида вафот этган) Қуръон ваҳийсини иккита асосий тоифага ажратган. Биринчи тоифага ҳодисадан кейин ёки Пайғамбарга бўлган саволдан кейин содир бўлган воқеалар киради, иккинчи тоифага эса сабаб йўқ эди. Бундан ташкари, у Қуръон оятларининг маъносига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа бир қатламни қўшиб қўйган: ваҳийнинг аниқ жойи ва вақти, шунингдек, у янги моҳиятни кўтарадими ёки қисман аввалги ваҳийга тўғри келадими. Тафсирга асосий ёндашувлардан бири “Қуръонни Қуръон ёрдамида тафсир қилиш” (*tafsīr al-qur’ān bi al-qur’ān*) деб номланиб, у Қуръоннинг қисмлари бир-бирини тўлдиради, деган тахминга асосланади. Яна бир ёндашув “нақл ёрдамида изоҳлаш” (*al-tafsīr bi al-ma’thūr*) деб аталади.

Сайд Ҳуссайн Наср ва Исмоил ал-Форуқий монотеистик дунёқарашни (*tawḥīdī*) барпо этиш учун Қуръонга яхлит равища мурожаат қилишди. Ал-Форуқий ва Наср ноиблик ёки ҳалифалик (*khilāfah*) тушунчаси асосида Ҳудонинг инсонга бўлган муносабатларини тушунишни таклиф қилдилар. Наср Исломнинг тасаввufий жиҳатларига ургу берган бўлса, ал-Форуқий илоҳиётга эътибор қаратган. Қуръоннинг барча замон ва макон учун амал қилиши, ундаги ҳар бир баён ҳамма жойда ва ҳар доим ҳақ деб даъво қилишини англатмайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Қуръоннинг классик уламолари одатда ваҳийнинг мазмунини (контекстни) жуда дикқат билан кузатиб бордилар. Қуръонни замонавий яхлит тушунчаси ушбу маколада келтирилган классик талқин асарлари учун бир қатор услубий ва шарҳий муаммоларни келтириб чиқаради. Ўтмишдаги ишларни танқид қилишдан келиб чиқадиган асосий назарий муаммо шундаки, ижтимоий шарҳ мukaddas хабарларнинг талқинга қараганда бошқача ташаббус ҳисобланади.

Бу иккита функцияни ажратиш қийин ёки нокулай бўлса ҳам, қуйидаги савол ҳали ҳам сўралиши керак. Малакасиз шарҳловчилар одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузатишга ва Куръон ри-вожланиб бораётган инсон ҳолатлари учун нимани англатишини ишончли тушуниришларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинми? Қандай бўлмасин, шарҳловчилар бундай мавзуларга кириб боргач, улар автоматик равишда янги фанлараро билим соҳасига ўтадилар. Бунда улар кенг қўламли мутахассисларнинг танқидларини маъқуллашлари лозим. Ушбу саволнинг амалий аҳамиятини тушуниш учун олимларни талқин қилиш соҳасида ҳам, ижтимоий ва хулқ-атвор фанлари соҳасида ҳам ўқитадиган фанлараро билим соҳасини яратиш имкониятини тасаввур қилиш мумкин.

## **Олтинчи боб**

### **Куръон ва Илм Имадеддин Аҳмад**

Билим – бу одам ниманидир тушуниш учун аста-секин ишлайдиган жараёндир. Бошқа томондан, идрок бир зумда бўлади ва биз рационал қобилиятни бошқарганимиз сингари идрокни бошқаролмаймиз. Бироқ, рационал қобилият маълум бир парадигма ичida қолганда, биз мумкин бўлган тушунишнинг тор доирасига тушамиз. Парадигмани ўзгартириш учун инқилобий янги илмий ғояларни қабул қилиш йўлидаги тўсиклар шунакадир. Исломни янгича тушуниш ва Куръондан янги ғояларни ўрганиш учун парадигма ўзгаришига тайёргарлик кўришимиз зарур. Шундай қилиб, Куръон ва илмга мурожаат қилишда, биз муқаддас Куръон ва дунёвий илм ўртасидаги фарқни рад этишни талаб қиласидиган “монотеистик дунёқараш”нинг (*tawhīdī*) дастлабки шартига риоя қилишимиз керак. Биз Куръоннинг илм-фанга бўлган муносабатига турли хил ёндашувларни мажозий, сўзма-сўз ва услубий (процессуал) деб таснифлашимиз ва баҳолашимиз мумкин.

Қатъий мажозий ёндашув вақт ўтиши билан Қуръондаги метафоралар мазмунлироқ бўлишини, Библиядаги каби метафоралар эса вақт ўтиши билан тушунилиши қийинлашиб боришини соясида қолдириши мумкин. Қуръони Каримга келсак, Пайғамбар замонида чалкаш бўлиши мумкин бўлган кўпгина ишоралар бизнинг давримизда аҳамиятли бўлиб қолди. Қатъий сўзма-сўз ёндашув Қуръоннинг абадий ҳақиқатларини илм-фаннынг ўзгарувчан моделлари билан боғлайди. Илмий назариялар доимо ўзгариб ва ривожланиб боради. Фан табиат дунёсини тушуниш учун ақлли моделларни тақдим этади ва бу моделлар ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат эмас. Улар ҳар доим бизнинг ҳозирги пайтдаги энг яхши тушунчамиз, лекин улар доимо ўзгариб туради. Қуръон илмий дарслик эмасдир. У бизга Аллоҳ Таоло коинотни қандай яратганини ўргатмайди. Аммо Қуръони Карим бизга Аллоҳ Таоло коинотни ташкил қилганини насиҳат қиласида ва унинг тузилишини ўрганишга ундиади. Бинобарин Қуръон илм-фанга қаратилган. (бошқача айтганда Қуръон илм-фаннынг “ёқловчисидир”)

Замонавий илм-фаннынг ривожланишига ҳисса қўшган Ислом цивилизациясининг бир нечта хусусияти (атрибути) мавжуд. Ақл-зехн етарли билим манбаи эмас. Шунингдек, тажрибалар ва кузатишлар мавжуд – Қуръон бизга осмонда ва ерда Аллоҳнинг аломатларини излашга буюрганида айнан шундай дейди. Обрў – билим манбаидир. *Ваҳий* (*Wahī*) – яъни жуда ишончли манбаларидан узатиш ҳам муҳим. Қачонки онгимиз, тажрибаларимиз ва ишончли манбаларимиз бир-бири билан келишиб олса, унда биз одамлар қодир бўлган ишонч билан билимга эгамиз, дейишимиз мумкин. Факат Аллоҳ Таоло ҳар бир нарсани мутлақ ишонч билади.

Қуръони Карим бизга ўқиши, яъни ташқи манбалардан билим олишни буюрган. Индуksия\* назарияни тажриба ва тажрибадан олинган (эмпирик) кузатиш орқали синчковлик билан синаб кўришни талаб қиласи. Умумжаҳон нуқтаи назаридан Қуръон ўргатади ва биз барча ҳақиқатлар Аллоҳдан келишига ишонамиз. Шунинг учун Аллоҳ Таоло ҳар бир миллатга ўз элчиларини юборганлиги сабабли, барча одамлар ҳақиқатга муюссар бўлиб, биз ўз

тарихимизни билиш билан чекланиб қолмаймиз. Бизда руҳонийлик бекор қилинган ва ҳар бир мусулмон, хоҳ эрқақ, хоҳ аёл бўлсин, бешикдан то қабргача илм излашга мажбурдир. Ислом моддий муваффақиятни хор қилмайди ва зоҳидликни тарғиб қилмайди. Молиявий жиҳатдан муваффақиятли жамият – аниқ фанлар бўйича тадқиқотлар олиб борадиган жамиятдир. Академик эркин мухитда илм-фан муқаррар равишда олдинга силжийди. Шунингдек, академик эркинлик илмий тараққиёт учун мухимдир. Мусулмонлар учун академик эркинлик бу бизнинг шахсий масъулиятимиз ва Аллоҳ Таоло олдида бурчимизнинг натижасидир.

Бироқ, Ислом илми асосида факат битта элемент тўғридан-тўғри Қуръондан келиб чиқмайди: бу тўғри цитата келтириш масаласидир. Ислом ҳадисшуносликда цитата келтиришни ривожлантиришда мухим роль ўйнаган. Обрў илмда роль ўйнар экан, замонавий илм-фандада обрўни шубҳа остига олиш мумкин. Шу сабабли, нуфузли манбалардан цитаталар келтирганда, улар аниқ ва тўғри кўрсатилиши зарур. Ҳадисшунослик бошқа илмлар амал қилган моделни яратган.

Илмий оламда бирмунча мустаҳкам ўрнашган туғилаётган ғоялар ҳали омманинг онгига тўлиқ сингиб кетмаган бўлиши мумкин. Ернинг Куёш атрофида айланиши ҳакидаги фикр олимлар орасида тез ўрнашиб қолган бўлса-да, оддий одамлар буни яна бир неча юз йил қабул қилмаганлар. Бугунги кунларда одамлар Қуёшнинг Ер атрофида айланишига ишонишган деган фикрдан кулишлари мумкин бўлганлар сўрашса керак: Ернинг Куёш атрофида айланиши ўз-ўзидан равshanми? Қуръони Каримда (*ghayb*) ва (*shahādah*), яъни яширин ва равшан ёки кўринмас ва кўринадиган нарсалар ҳақида зикр қилинади.

Хаос назарияси, одатда “Капалак таъсири” деб номланиб, жисмоний тизимлар бошланғич шароитидаги кичик ўзгаришларга жуда сезгир эканлигига ишора қиласи. Квант механикаси билан бирлашганда, кичик ўзгаришларга жисмоний тизимларнинг бу юқори сезувчанлиги инсон иродаси эркинлиги ва илоҳий аралашув каби

диний масалалар мұхокамасига ўхшаш бўлиши мумкин. Квант механикаси ҳамма нарса унинг дастлабки ҳолатидан аниқланади, деган тушунчани рад этгандек туюлади. Коинотдаги ҳамма нарса бошқа ҳамма нарса билан ўзаро алоқада бўлиб туюлади.

Квант механикаси бу ерда қаралаётган тўлқин заррачанинг ҳолати ва импульсининг эҳтимоллик тўлқини, шунингдек, заррачанинг ҳолати ва заррачанинг импульси аслида кузатилмагунча мавжуд эмас эканлигини билдиради. Факат заррачаларнинг маълум жойда бўлиш эҳтимоли ёки заррачанинг маълум импульсда бўлиш эҳтимоли мавжуд. Заррачанинг ҳолати ёки импульсни билишининг ягона йўли уни кузатиш ёки ўлчашдир. Бироқ, уни кузатганингизда, сиз кузатилган нарсага таъсир этасиз, яъни уни ўзгартирасиз. Агар шундай савол берсангиз, уни кузатмасам нима бўлади? Ҳеч ким қарамаса ой борми? Биз буни билмаймиз.

Ҳамма нарса физика эмас. “Шаҳада” (*shahādah*) “ғайб”нинг (*ghayb*) оқибатидир. “Ғайб” жисмоний бўлмаслиги мумкин. Хаос назариясида квант фарқи, масалан, синапс отилиб чиқадими ёки йўқми, макроскопик дунёда бирорни қучоқлаш ёки ундан юз ўгириш каби турли хил воқеалар занжирларига олиб келиши мумкин. Бу инсон иродаси масалалари. Бутун қоинот ҳақида гапирганда, биз илохий иродани назарда тутамиз. Агар Аллоҳ Таоло сизнинг дуоларингизга жавоб беришни хоҳласа, У яратган жисмоний қонунларга зид бўлмасдан дуоларингизга жавоб бериши мумкин. Чунки квант механикаси сизга факат нарсалар қандай қилиб жами ўзини тутиши мумкинligини айтади. Унга кўра, баъзи нарсалар муайян даражада эҳтимолдан йироқ. Квант механикаси сизга Аллоҳ Таоло қандай қилиб одатда нарсаларни бажарилишини айтади, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ бошқа нарсани қилиши мумкин ва бу физика қонунларини бузмайди. Бу физика қонунларига жуда мос келади.

Динни муқаддас ва илмни дунёвий деб ҳисоблаш ўрнига, намоён бўлган ва тушунтирилган нарсаларни, шунингдек, “шашада”ни (*shahādah*) тушуниш ишлари муқаддас матннинг сўзи ва

маъносини англаш каби муқаддасдир. Табиат китоби ҳам муқаддас матндири ва уни англаш ҳам ибодатдир.

## Еттинчи боб

### Қуръон оятларини кўрсатмалар билан таржима қилиш: тематик қиёсий кўриб чиқиш Довуд Нассими

Қуръонни таржима қилиш умуман мураккаб вазифа бўлса-да, Қуръондаги кўрсатмаларнинг оятларини таржима қилиш анча мураккаб. Бунинг учун таржимонлардан ҳар иккала тилда билим ва малакага эга бўлишдан ташқари, бошқа кўплаб омилларни тушуниш ва кўриб чиқиш талаб этилади. Қуръони Карим (асл тилида) Худонинг мукаммал сўзи бўлганлиги сабабли, мусулмонлар учун Қуръонни бошқа тилларга таржима қилиш ҳар доим чеклангандир. Шунинг учун Ислом уламолари ва Қуръон таржимонлари Қуръоннинг ҳар қандай таржимаси аслида Қуръонга тенг келадиган нарса эмас, балки Қуръон маъносининг таржимасидир, деган фикрга қўшиладилар.

Тўрт таржимани тақкослашга ҳаракат қилинди: Абдуллоҳ Юсуф Али (бундан кейин ЮА), Қуръони Каримнинг маъноси (Abdullah Yusuf Ali, *The Meaning of the Holy Qur'an*); Муҳаммад Асад (МА), Қуръон хабари (Muhammad Asad, *The Message of The Qur'an*); Муҳаммад Тақиййуддин ал-Ҳилалий ва Муҳаммад Мухсин Хан (Ҳ-Ҳ), Қуръони Карим маъноларининг инглиз тилида талқини (Muhammad Taqiqiyu al-Din al-Hilali and Muhammad Muhsin Khan, *Interpretation of the Meanings of The Noble Qur'an in the English Language*) ва Сайд Абул Аъла Маудуди (А/М), Қуръонни англаш сари: “*Tafhīm al-Qur'ān*”нинг қисқартирилган версияси (Sayyid Abul A'lā Mawdūdī, *Towards Understanding The Qur'ān: Abridged Version of Tafhīm al-Qur'ān*). Парча маъно равшанлиги, оятнинг контекстини кўриб чиқиш, мавзуу, бўлим, сурा, ҳукуқшунослик

билимларини кўриб чиқиш (fiqh), шунингдек, ушбу асрнинг тарихий аҳволи ва муаммолари нуқтаи назаридан мухокама қилинади. Ушбу бобда кўриб чиқиш учун танланган парча, факат аёллар учун кийиниш қоидалари белгилайдиган тегишли матнларнинг атиги биринчи қисмини ўз ичига олади.

Куръоннинг қарорлари (*aḥkām*) ёки фармойиш, кўрсатма, буйруқ, декрет, фармон ёки ҳукм шариатнинг асосий манбасини ташкил этади. Куръондаги кўрсатмаларнинг оятларининг тили кўпинча ўзига хос услубига эга. Куръоннинг кўпгина кўрсатмалари мўминларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш билан бошланади, масалан, “Эй иймон келтирганлар!”. Куръон таржимонлари ҳуқуқшунослик (fiqh) ва Куръон билан боғлиқ замонавий дунёдаги муаммолари ҳақида билимга муҳтожлар. 24-сура 31-оятининг турли хил таржималари мухокама қилинади. Ушбу кўрсатма “*аҳкам ал-ҳижоб*” (*aḥkām al-hijāb*) деб номланади. Ҳижоб (*hijāb*) эркаклар ва аёлларга тегишли бўлса-да, кўпинча аёллар учун кийиниш қоидалари деб аталади.

24-суранинг 31-оятидан олдин мусулмон эркакларга кўзларини пастга қаратиб, покликларини эслашга буюрган оят келтирилган. Бунда эркаклар ҳам, аёллар ҳам, 24-суранинг 30-оятида тушунтирилганидек, кўзларнинг тушиши ва тананинг алоҳида жойлари ҳимоя килинишини кузатишлари лозим. 24-суранинг 31-оятида эса аёллардан зийнатни (*zīnāh*) ёки табиий гўзаллигини ёпишини талаб қиласди. Ушбу оятнинг кейинги қисми аёлларни ерни қаттиқ босмай, секин юришга ундейди, токи одамларнинг эътиборини жалб қилмасин. 24-суранинг 31-ояти ҳамма мўминларни ҳақиқий муваффақият учун Худога мурожаат қилишга даъват қилиш билан тугайди.

ЮА бу оятни қўйидагича таржима қилган:

(24:31) Ва мўмина аёлларга нигоҳларини туширишлари ва ахлоқлилигини сақлашларини (\*2984); ўзларининг гўзалликларини ва зийнатларини намойиш қилмасликларини, [одатда] намоён бўлиши бўлган нарсалардан мустасно (\*2985); кўкракларини ҳижоб

билан ёпишини ва эрларидан, оталаридан, эрларининг оталаридан, ўғилларидан, эрларининг ўғилларидан, ака-укаларидан ёки ака-укаларининг ўғилларидан ёки опа-сингилларининг ўғилларидан ёки улар эгалик қиласынан қуллардан ёки жисмоний эхтиёжлардан холи эркак хизматкорлардан ёки жинсий алоқанинг уяты ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ёш болалардан бошқа ҳеч кимга гўзаллигини намойиш қиласликларини; ва уларнинг яширин зийнатларига эътибор тортиш учун оёқлари билан тақиллатмасликларини айт. (\*2986) Ва эй иймонлилар! Бахт-саодатга эришиш учун ҳаммангиз Аллоҳга мурожаат қилинг. (\*2987)

МА оятни қуйидагича таржима қилган:

(24:31) Ва мўмина аёлларга қўзларини пастга туширишини ва ифратларини эсда тутишларини ва [одоб билан] аён бўлиши мумкин бўлган нарсалардан ташқари, уларнинг дилбарликларини [омма олдида] қўрсатмасликларини; (\*37) шу сабабдан улар ҳижобларини қўқракларига ташлаб олишларини, (\*38) ва эрларидан, ёки оталаридан, ёки эрларининг оталаридан, ёки ўғилларидан, ёки ака-укаларидан ёки ака-укаларининг ўғилларидан ёки опа-сингилларининг ўғилларидан, ёки аёлларидан, ёки ўзлари ҳақли равищда эгалик қиласиганлардан, ёки ҳар қандай жинсий истакдан ташқарида бўлган эркак хизматкорларидан, (\*39) ёки аёлларнинг яланғочлиги ҳақида билмайдиган болаларидан бошқа ҳеч кимга дилбарликларини [устига] намойиш қиласликларини; ва яширин жозибаларига эътибор бериш учун [юриш пайтида] оёқларини силкитмасликларини айт. (\*40) Ва [ҳар доим], эй мўминлар – барчангиз – тавба қилиши билан Худога мурожаат қилинг, шунда сиз фаровон мавқега эришишингиз мумкин! (\*41)

Ҳ-Ҳ оятни қуйидагича таржима қилган:

(24:31) Ва мўмина аёлларга [ҳаромларга қарашдан] нигоҳларини тушуришларини ва аврат жойларини [ноқонуний жинсий алоқалардан ва ҳ.] ҳимоя қилишларини ва [кўл кафтлари ёки йўлни кўриш учун битта ёки иккала кўз каби, ёки ҳижоб, кўлқоп, бош кийим, фартук ва ҳ. каби уст кийим] намоён бўлиши бўлган нарсалардан

мустасно ўзларининг ҳуснларини намойиш қилмасликларини ва ҳижбларини бутун *Juyūbihinna* устига [яъни таналари, юзлари, бўйинлари ва кўкраклари устига] буркашларини ва эрларидан, ёки оталаридан, ёки эрларининг оталаридан, ёки ўғилларидан, ёки эрларининг ўғилларидан, ёки ака-укаларидан ёки ака-укаларининг ўғилларидан ёки опа-сингилларининг ўғилларидан, ёки уларнинг [мусулмон] аёлларидан [яъни Исломдаги опа-сингилларидан], ёки уларнинг ўнг қўллари эгалик қиласидиган [аёл] қуллардан, ёки ғайратлилик етишмайдиган кекса эркак хизматкорларидан, ёки жинсий алоқанинг уяти ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ёш болалардан бошқа ҳеч кимга ҳуснларини кўрсатмасликларини айт. Улар ҳуснларидан яширган нарсаларини кўрсатиши учун гурс-гурс қадам ташлаб юрмасинлар. Ва барчангиз Аллоҳга ибодат қилингизки, барчангизни мағфират қилсин, эй мўминлар, шунда муваффақият қозонишингиз мумкин. (\*I)

А/М оятни қўйидагича таржима қилган:

(24:31) Ва мўмина аёлларга нигоҳларини пастга туширишини ва авратларини химоя қилишини ва (\*20) фақат ўз-ўзидан очик бўлган нарсалардан мустасно, ўз ҳуснларини ошкор қилмасликларини ва кўкраклари устига ҳижоб тортиб олишларини ва ўз гўзалликларини ошкор қилмасликларини буюр, фақат эрларига, ёки оталарига, ёки эрларининг оталарига, (\*21) ёки ўғилларига, ёки эрларининг ўғилларига, (\*22) ёки ака-укаларига, (\*23) ёки ака-укаларининг ўғилларига ёки опа-сингилларининг ўғилларига, (\*24) ёки улар шерик бўлган аёлларга, (\*25) ёки қуллиқда бўлганларга, ёки жинсий истаксиз ўз хизматида бўлган эркак хизматкорларга, (\*26) ёки аёлларга нисбатан ҳаром ишларни ҳали билмаган ўғил болаларга. Уларнинг яширин ҳуснлари аниқ бўлиши учун улар ерни тепин-масликлари керак.

Қиёсий такризда калит сўзлар ва ибораларга эътибор қаратиб, ЮА иккала жиҳатни ҳам қамраб олган (*zīnah*) сўзини “тўзаллик ва зийнат” деб таржима қилган. МА уни “дилбарлик” деб таржима қилди, бу кўркам қиёфани англатади. X-X ва А/М уни табиий гўзалликни

қамраб олмайдиган “хусн” деб таржима қилишган. МА (*khimār*) сүзини “бош кийим”, бошқалари эса “хижоб” деб таржима қилдилар. ЮА ва МА (*jilbab*, кўплик: *jalabib*) сүзини “уст кийим” сифатида кўрсатганлар, аммо ЮА буни ўз шарҳида “уст кийим: бутун танани қопладиган узун кўйлак ёки бўйин ва кўкракни ёпувчи плаш” сифатида изоҳлаган. Ҳ-Ҳ буни “плаш (хижоб)” ва А/М – “ташқи қоплама” сифатида кўрсатганлар.

(*Yudnīna ‘alayhinna min jalābībihinna*) иборасига келсак, таржимонлар ушбу иборани қуидагича таржима қилишган. ЮА: “Улар уст кийимларини [уйдан ташқарида] ўзларига ташлаб олишлари керак”. МА: “Улар уст кийимларининг бир қисмини [омма олдида] устларига тортиб олишлари керак”. Ҳ-Ҳ: “Таналари бўйлаб плашларини [хижобларини] тортиб олишларини [яъни йўлни кўриш учун кўзлари ёки битта кўзидан ташқари ўзларини бутунлай бекитиб олишлари керак]”. А/М: “Ташқи қопламаларининг бир қисмини ўз атрофларига тортиб олишлари керак”.

(*Illā tā zakhara minhā*) иборасини таржимонлар қуидагича таржима қилгандар. ЮА: “[одатда] Намоён бўлиши бўлган нарсалардан мустасно”. МА: “[одоб билан] аён бўлиши мумкин бўлган нарсалардан ташқари”. Ҳ-Ҳ: “[қўл кафталари ёки йўлни кўриш учун битта ёки иккала кўз каби, ёки хижоб, кўлқоп, бош кийим, фартук ва ҳ. каби уст кийим] Намоён бўлиши бўлган нарсалардан мустасно”. А/М: “Фақат ўз-ўзидан очик бўлган нарсалардан мустасно”.

(*Wal yadribna bi khumurihinna ‘alā juyūbihinna*) иборасига келсак, таржимонлар уни қуидагича таржима қилдилар. ЮА: “Кўкракларини хижоб билан ёпишини”. МА: “Улар хижобларини кўкракларига ташлаб олишларини”. Ҳ-Ҳ: “Хижобларини бутун *Juyūbihinna* устига [яъни таналари, юзлари, бўйинлари ва кўкраклари устига] буркашларини”. А/М: “Кўкраклари устига хижоб тортиб олишларини”.

Аёл кишининг кийиниш қоидалари кўрсатмаларини ўз ичига олган оятларнинг таржималарини кўриб чиқаётганда, тўртта таржимондан ЮА ушбу масалани тушунтириш ва ойдинлаштириш учун ўз изоҳида анча кўп керакли маълумотларни келтирган. Бошқа уч таржимон тушунтиришга ҳаракат қилган ва уларнинг ҳар бири аниқланиши ва кўриб чиқилиши керак бўлган баъзи баёнотларни берган. Кўрсатиб ўтилганидек, Қуръоннинг турли таржималарини баҳолаш учун ушбу бобда қўлланилган тематик ёндашув таржимонлар ўртасидаги аҳамиятга эга бўлган фарқларни, шунингдек, таржимонларнинг ўз асосларини (компетентлилигини) ошириш учун маълум малакага бўлган эҳтиёжини аниқлаш имкониятини беради.

## **Саккизинчи боб**

### **Матн (matn)\* таҳлилига принципли ёндашувни излаш Сами Катович**

Аксарият олимлар Аллоҳ Таолога (Қуръони Каримга) итоат қилиш Пайғамбарга (С.А.В.) бўйсунишдан ажralмасдир, деган тамойилга амал қиласдилар. Қуръон Пайғамбарнинг (С.А.В.) обрўйини кўп ҳолларда аниқ белгилаб қўйган, масалан: “Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўrnак бор эди”. (33:21) Бироқ, тарихда, шунингдек, бизнинг давримизда бўлганидек, Мухаммад Пайғамбарнинг (С.А.В.) суннатларини у келтирган хабардан – яъни Қуръондан ажратишга уринишлар бўлган. Бундай ёндашув академик жиҳатдан асоссиз, шунингдек, омма учун ҳақиқий маънога эга эмас. Пайғамбар ўrnагини ўтказиш босқичлари Пайғамбар билан яшаб, унинг мисолига эргашгган саҳобалардан бошланади. Расулуллоҳ ҳаёти давомида, улар эшитган ва кўрган нарсаларни ҳозир бўлмаганларга етказганлар. Расулуллоҳ (С.А.В.) вафот этгандан сўнг, улар издошли – Пайғамбар ҳақида, асосан,

оғзаки нақл орқали билиб олишлари мумкин бўлган воситага айландилар. Умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазиз (вафоти 101 ҳижрий/720 милодий) ўзининг ҳукмронлиги давомида ҳадисларни тўплашга чақирган. Суннат амалиёт сифатида ёзма ва оғзаки тасдиқлаш ёки ҳадис адабиётидан фарқ қиласди. Амалиёт белгиланган амалиётга боғлиқ ва ёзма ёки оғзаки ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарт эмас. Суннатни ҳужжалаштириш оғзаки ва ёзма нақллар билан қўллаб-кувватланган. Шунга қарамасдан, II асрнинг охирида биз китоб шаклида биринчи кенг ривоятлар тўпламини кўрамиз. Кейинги асрларда ҳадиснинг олти диний ишончли тўпламлари мавжудлиги умумий одатда қабул қилинди. Булар Саҳиҳи Бухорий, Саҳиҳи Муслим, Сунани Абу Довуд, Саҳиҳи Термизий, Сунани Ибн Можа ва Сунани Насойи эдилар.

Ҳадис танқидчилигининг дастлабки ривожланиши, аввало, занжирнинг тузилиши ва нақл ровийларини баҳолашга қаратилди. Ушбу соҳадаги мутахассислар маълум бир ҳадисни етказищдаги ишончлилик даражасини аниқлаш мақсадида нақл занжиридаги ровийларни ҳукм қилишлари мумкин бўлган жуда мураккаб тизимни ишлаб чиқдилар. Бу фан, раддия ва тасдиқ (*al-'adl wa al-tarjīh al-'adl wa al-tarjīh*) даъво қилинган ҳадисларни саҳиҳдан хаёлийгача таснифлашга ҳисса қўшган. Ишончлиликнинг энг юқори даражаси бу *мутавотир* (*mutawātir*) ҳолатига эришган ҳадисларни ўз ичига олади. Агар ҳадис *мутавотир* даражасида бўлмаса, у *оҳод* (*āḥād*) тоифасига кирган бўлади. Оҳод нақллари яна иккита тоифага бўлинган: “мақбул ҳабар” (*maqbūl*), яъни қабул қилинган ва “мардӯд ҳабар” (*mardūd*), яъни рад қилинган. Мақбул ҳабар, ўз навбатида, “саҳиҳ” (ишончли) ва “ҳасан”га (адолатли) бўлинган. Ҳадиснинг “ҳасан” ёки “саҳиҳ” бўлганлиги, асосан, занжирнинг яхлитлиги ва ровийларнинг занжирдаги баҳосига боғлиқ эди. Ушбу таъриф билан бирга занжир ва “матн”, яъни ҳадис занжирни ва мазмуни ҳам ишончли бўлиши керак деган тамойил мавжуд эди. “Матн” ҳам ишончли бўлиши керак бўлса-да, ҳадисшуносалар “матн”нинг таҳлил қилиниши мумкин бўлган тизимни ишлаб чиқишига эътибор бермадилар.

Мавжуд “матн” танқидлари Пайғамбарга (С.А.В.) тегишли аниқ қарама-қарши даъволарни ёки амалларни кўриб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган воситаларга қаратилган. Бироқ, яна бир кўшимча ёндашув нақлни белгилайдиган муайян тамойилларни ўрнатишга асосланади. Бундай ёндашув саҳобалар ва кейинги авлодлар даврида кўлланилган эди.

Бирор тамойилга асосланган нақлни ҳукм қилиш саҳобаларнинг ўзлари вақти-вақти билан амал қиласидиган нарса эди. Масалан, Бухорийнинг “Исро ва меъроҷ” (тунги сайри) ҳақида айтган ривоятида Оиша (розияллоҳу анҳо) баъзи саҳобалар томонидан тузилган бу воқеанинг қиссасини Қуръон оятини бузганлиги асосида таҳлил қиласидиган. Ривоятнинг тегишли қисми қўйидагича:

Масруқдан ривоят қилинади: Мен Ойшага (розияллоҳу анҳо) айтдим: “Эй она! Мұхаммад Пайғамбар Раббини кўрганми?” Оиша (розияллоҳу анҳо): “Сен айтган сўзлар соchlаримни тикка қиласиди! Билингки, агар кимдир сизга қўйидаги учта нарсадан бирини айтса, у ёлғончиидир: Кимки Пайғамбар Худо билан кўришган деса, гуноҳкор, бўхтончи бўласиди”, деди. Сўнгра Оиша (розияллоҳу анҳо) оятни ўқиди: “Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латиф ва хабардор зотдир”. (6:103) “Аллоҳ башар билан гаплашмоғи бўлмаган, магар *ваҳий* орқали, ёки парда ортидан ёхуд элчи юборади...” (42:51)

Расулуллоҳ (С.А.В.) тунги сайрда Раббини кўрган, деган даъво қилювчиларга Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) кучли тили (“гуноҳкор, бўхтончи” иборасини ишлатган ҳолда) унинг оятларни тушунишига асосланади: “Кўзлар Уни идрок эта олмас...” ва “...гаплашмоғи бўлмаган, магар *ваҳий* орқали, ёки парда ортидан...” Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) фикрига кўра, нима бўлганини тасвирлашда баъзилар томонидан шакллантирилган нарса Қуръонга аниқ зид бўлган ва шу тариқа Қуръон тамойили асосида рад этилиши лозим эди. Ойшанинг хulosасига зид келиши мумкин бўлган асослилик, далиллар ва исботлар шубҳа остига олиниши мумкин ва аслида

шундай бўлган эди. Бироқ, гап шундаки, у ривоятни ўзи чиқариб олган ва аниқ ифодаланган баъзи тамойиллари асосида баҳолаган.

Принципли ёндашувдан фойдаланиш одатда илоҳиёт соҳасида учрайди. Кўплаб илоҳиётчилар Худо ҳақида гапирадиган Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан ишлашда муайян методикани қабул қилгандар. Худо ҳақидаги ҳақиқий (аниқ) билим Қуръонга ва *мутавотир* ҳолатига эришган ҳадисларга асосланиши керак эди. Масалан, Бухорий ва Муслим ривоятларида Аллоҳнинг “кулгани” ҳақида зикрлар топамиз. Ибн ал-Жавзийнинг фикрича, кулги бу одамлар қиласидиган нарсадир ва шунинг учун уни Худога тегишли деб тушуниш мумкин эмас. У бу нақлларни инсон кулгандан содир бўладиган нарсалар билан изоҳлаган, сўнгра уларни шунга қараб талқин қилган. У шундай дейди: “Одамларни қамраб олган кулги бу кимдир оғиз билан қопланган тишларни кўрсатганда бўлади. Аммо бу Худога нисбатан имконсизdir, У Куддус ва Азиз. [Шу боис] буни “Худо Ўзининг сахиyllиги ва раҳм-шафқатини кўрсатди” деб талқин қилиш керак.

Холид Абу Эл Фадлнинг сўзларига кўра, ҳадис ривоятида иштирок этишда ровийларнинг ролини ажратиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бизга етказган нарса Пайғамбарнинг айтганлари ни ўз ичига олиши мумкин ва биз буни ҳадис матнига қасдан ёки билмасдан ҳисса кўшган инсонлар орқали эшитганмиз. Эҳтимол, кимдир ривоятни тушунишга ва танловга ранг берадиган ўз шароитлари ва нотўғри тушунчаларига асосланиб, нақлни маълум тарзда айтиб берган. Бундан ташқари, бу нақллар мавжуд хуқукий тузилмаларга бирлаштирилган бўлиб, бунинг натижасида баъзилари бу нақлга бошқаларга нисбатан кўпроқ аҳамият берган бўлиши мумкин. Фадлнинг фикрига кўра, ривоят занжиридаги муаллиф ташаббусига эътибор бермагандан, Пайғамбар бирон бир нарсани эълон қилган деб шунчаки даъво қилиш мумкин, деб ўйлаш ҳақиқатдан йироқ. Муаллиф ташаббуси кўриб чиқилганда Пайғамбар сўзлари кучлироқ таъсир ёки камроқ кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, нафақат ривоятлар занжирида ўзларининг нотўғри тушунчалари билан бўлгандарни баҳолашлари, балки саҳобаларнинг ўзлари ҳам танқид қилинмоқда. Фадл томонидан илгари сурилган бу мулоҳаза қатори Ибн Ҳажар томонидан тузилган умумий қабул қилинган “Аҳл ас-Сунна барча [саҳобалар] “удул” (*'udūl*), яъни ростгўй эканликларини бир овоздан тасдиқлайдилар”, деган тамойилини шубҳа остига олади. “Адалаҳ” (*'Adālah*) ҳақиқатдан атайлаб оғиш бўлмаган демакдир. Бу уларнинг беайб (адашмайдиган) эканлигини англатмайди (баъзилар бундай тушунишлари мумкин), аксинча улар ҳақиқатдан атайлаб четга чиқмаганлар.

Фадл маълум бир ҳадисни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин бўлган фойдали тамойил ёки воситани таклиф қиласди. Ушбу тамойил шундан иборатки, кучли ижтимоий таъсирга эга бўлган ва ўзига хос қонуний мажбуриятдан ташқарида бўлган нақллар учун олий меъёр қўлланилиши керак. Агар олимлар маълум бир нақлга дуч келганда одамни тўхтатишга ва уни кўпроқ билиб олишга мажбур қиласдиган баъзи бир асосий тамойилларни белгиласалар, унда одам ҳақиқий тўпламда муайян бир ҳадисни топиб, тезкор ҳукмни назорат қилиши мумкин.

## Тўққизинчи боб

### Исломий нуқтаи назардан ажралишдан кейинги молиявий кўмак

Муҳаммад Одам Эл Шайх (Mohamad Adam El Sheikh)

Қўйида муҳокама қилинган мавзу ажралишдан кейин молиявий кўмак ва уни Ислом ҳукуқшунослигида тушунганимиздек, “мутат ал-талоқ”ка (*mut'at al-talāq*) бўлган муносабатидир. Бугунги кунда мусулмон дунёсида ҳукмрон бўлган илмий (схоластик) тушунча ва суд амалиёти шуни кўрсатадики, аёллар ажрашгандан кейин ҳар қандай моддий ёрдам, мулкий имтиёзлар ва ҳаттоқи эр-хотин

ҳаётида тўпланган мол-мулкига эга эмаслар. Баҳона шуки, никоҳ пайтида эрлар томонидан бериладиган уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак, собиқ хотинлар никоҳдан кейин олишлари мумкин бўлган ҳар қандай улушни тўлиқ йўқотади. Ушбу тушунчага кўра, аёллар фақат “*идда ал-талоқ*” (*'iddat al-ṭalāq*) деб номланувчи кутиш даврида диний белгиланган уч ой давомида турмуш ўртоғи-дан кўмак ҳукуқига эга.

Судандаги шариат судларининг собиқ судьяси сифатида, АҚШдаги энг йириқ исломий марказларидан бирининг собиқ доимий имоми, шунингдек, Шимолий Америкада йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ислом ҳаками ва мусулмонлар жамоатининг арбитри сифатида мен бу каби кўплаб ҳолатлар билан учрашганман ва уларда қатнашганман. Ажралишдан кейинги молиявий кўмак учун Ислом қоидаларини эътиборсиз қолдириб, ажрашган аёлларга нисбатан адолатсизликка ва уларнинг азобланишига гувоҳ бўлдим. Ажрашган мусулмон аёлларга нисбатан Исломсиз ва ғайриинсоний муносабат менга чуқур таъсир кўрсатди ва мени ушбу масалани аёллар манфаати учун ўрганишга, шунингдек, бадал масаласида Исломнинг тўғри позициясини ўрганишга ундаdi.

Куръоннинг энг қадимги шарҳловчиларидан бири, Имом ат-Табарий, Куръонда ажралиш билан боғлиқ оятларига изоҳ бериб, “мута”га (ажралишдан кейинги моддий ёрдам ёки ажрашганидан кейин ажрашган аёлга тўлайдиган тўлов) нисбатан аёлларнинг ҳукуқларини қаттиқ ҳимоя қилган. У шундай деди:

Ишончим комилки, ажралишдан кейин мута бу хотинидан ажрашган эр учун мажбурий тўлов. Шунингдек, унга “*мутат ал-талоқ*” (*mu'tat al-ṭalāq*) тўлаш *вожиб* бўлади, худди унга маҳрни тўлаш *вожиб* бўлгани каби. Унга (хотинга), ёки унинг ваколатлиларига, ёки меросхўрларига тўламагунича (эр) бу мажбуриятдан озод қилинмайди. Бу “*мутат ал-талоқ*”, хотинга қайтарилиши керак бўлган бошқа қарзларга ўхшайди ва эр қамоқقا олиниши ва унинг мол-мулки ажрашганидан кейин ажрашган хотини-

га тегишли “мута”ни тўламаганлиги туфайли сотилиши мумкин.

Абу ал-Фидо И smoил ибн Касир “мутат ал-тaloқ”ни шундай аниқлади: “мута” бу ажрашганлиги сабабли йўқотган нарсасини қоплаш учун эр томонидан ажрашган хотинига ўз имкониятига қараб тўлайдиган нарсадир. Ўз даврининг таниқли хукуқшуносларидан бири бўлган И мом Фахруддин ар-Розий “мутат ал-тaloқ” ихтиёрий эмас, балки мутлақо мажбурий деб ҳисоблаган хукуқшуносларнинг фикрларини кўллаб-қувватлаган. Исломнинг таниқли хукуқшунослари ва уламоларидан бири Аз-Замахшарий ажрашгандан кейинги кўмак фақат жинсий алоқалардан олдин ажрашган аёллар учун мажбурий, бошқа ажрашганлар учун эса фақат маслаҳатdir, деб ҳисоблаган. Шайх Рашид Ризо ажрашган аёлларнинг ажралишдан кейинги кўмак хукуқини ажрашган эрнинг мажбурий вазифаси сифатида маъқуллаган олимларни кўллаб-қувватлади.

Пайғамбар (С.А.В.) Қиласидан Яхёнинг ўғли Язиднинг қизи Умра номи билан танилган аёлга уйланган, аммо номаълум сабабларга кўра никоҳ амалга ошмаган. Ажрашгандан сўнг Расулуллоҳ (С.А.В.) талоқдан кейинги ҳақли равишда қайтарилиши керак бўлган нарсани тўлаб, уни оиласига қайтариб юбордилар. Ушбу башоратли амалиётда, у Пайғамбарнинг уйида ўтказган қисқа вақтига қарамасдан, уни ўзгармас ажралиш ҳақида эълон қилганида, ажрашганидан сўнг Расулуллоҳ (С.А.В.) унга “мута” берганини билиб оламиз.

Мусулмон хукуқшунослар ажралишдан кейин молиявий кўмак ҳақида икки хил фикр юритади. Баъзи хукуқшунослар буни Исломий фармонларнинг биринчи тоифасида мажбурий (*вожсиб*), баъзилари иккинчи тоифадаги фармонларда тавсия этилган (*tundūb*) деб ҳисоблашади. Бироқ, амалий нуқтаи назардан, мусулмон хукуқшунослар ажралишдан кейинги кўмакни мажбурий деб ҳисоблашадилар. Ҳатто буни Аллоҳнинг мажбурий буйруғи эканлигига ишонгандар ҳам уни ҳимоя қилмайдилар ва бундан ташқари, уни

қўлламайдилар. Ушбу тамойил деярли бутунлай эътибордан четда қолмокда ва урф-одатлар қолдиқлари остига кўмилади. Замонавий жамиятда кўплаб аёллар ўзларини ва фарзандларини бокиш учун ўзларига ғамхўрлик қилишлари ва пул топишлари лозим. Бундай шароитда ажрашиш учун товон пули янада муҳимроқ бўлади, чунки катта оила тизимининг хавфсизлиги тезда бузилмоқда. Бугунги кунда, кўп ҳолларда, ажрашган аёлларда бошпана йўқ ва ўзларини ва болаларини бокиш учун моддий имкониятларига эга эмаслар.

Афсуски, бизнинг хуқуқшунос ўтмишдошларимиз ажрашгандан кейин моддий ёрдамни баҳолаш бўйича бизга жуда чекланган мерос қолдиридилар ва мулкни ҳал қилиш бўйича деярли ҳеч нарса қолдиришмади. Таърифларнинг аксарияти Абдуллоҳ ибн Аббос ва Ҳасан ибн Али сингари Пайғамбар сахобаларидан олинган эди. Ёки Пайғамбарнинг (С.А.В.) ўзи билан боғлиқ бир ҳолат бор, у жинсий алоқалардан олдин хотинларидан бирини талоқ қилган, унга “мута” берган, шунингдек, Абу Усайддан уни унинг оиласига олиб боришини сўраган.

Мусулмон хуқуқшунослар Куръон ва суннатда аниқ белгилаб қўйилганидек, ажралишдан кейинги қўмакни (*mut'at al-ṭalāq*) қайта тиклашда фаол иштирок этишлари лозим. Замонамизда ажрашгандан кейин қўмакдан фойдаланишни ошириш учун кўплаб сабаблар бор. Бу мукаддас китобнинг бир қатор оятларида айтилганидек, Аллоҳнинг буйруғидир. У суннат, Пайғамбар сахобалар ва издошлари томонидан қўллаб-қувватланган ва тасвирланган эди. Бу умуман олганда ҳамма учун ва хусусан аёллар учун адолатнинг чуқур илдиз отган Исломий тамойилнинг бир намоёнидир. Бу тамойил вояга етмаган болалар, асосан ўзбошимчалик билан субъектив ажралишларнинг биринчи қурбонлари манфаатларига жавоб беради.

Бундан ташқари, у ажрашган аёллар (яъни, бугун ёрдам сўраб бақираётган, аммо ёрдамни олмаганлар) қурбони бўлиши мумкин барча турдаги заарнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қиласиди. Нихоят, бу Арафа куни Расулуллоҳнинг (С.А.В.) хаж билан

видолашув хутбаси сифатида танилган маросим пайтида умматларига берган тавсияларининг амалга оширилиши. Бу масалалар асосий ва муҳим аҳамиятга эга, улар одамларнинг ҳаётига таъсир қиласи ва узоқ муддатли оқибатларга олиб келади. Шу боис, мен мусулмон ҳуқуқшуносларни ушбу пайдо бўлаётган чақириққа тўлиқ жавоб беришга, шунингдек, Ислом шариати адолатини барча масалаларида қўллашга ва аёлларнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақираман.

## **Ўнинчи боб**

### **Фарбнинг Исломни ўрганишига мусулмонлар ёндашуви Халил Муҳаммад**

2001-йилнинг 11-сентябрь воқеаларидан сўнг, дин номидан сохта равишда қилинган терроризмнинг даҳшатли намоёнларидан бири сифатида Фарбда исломофобия нафақат оммавий ахборот воситалари ва илмий доираларида, балки мусулмонларнинг шахсий хавфсизлиги таҳдидининг ўсишида ҳам кучайган эди. Америкада оммабоп ОАВ ва академик дунё ўртасидаги заарли алоқани ҳисобга олиб, ҳийла-найранг исломофобияси билан жуда ажralиб турадиган ғайратли миллатчилик билан қамраб олинган Ислом ҳақида қўпол умумлаштириш ва соддалаштиришларни тушуниш осон. Диншунослик асосларини ривожлантирумасдан ва етарли атамашуносликни тузишга қодир бўлмаган ҳолда, ОАВ ва академик доиралар кўпинча диний муҳитда мусулмон бўлмаган, камситувчи, сиёсий янги сўзлар ва иборалардан фойдаланиш қурбони бўлиб, Исломнинг салбий тимсолларини кучайтирумокда. Куйида ушбу муаммонинг Куръонга нисбатан айрим мисоллари келтирилган. Ҳикоя (нарратологик) таҳлилига эътибор қаратиб, мусулмон тадқиқотчилари айрим нотўғри ғояларни рад этиб, динининг салбий тимсолларини бартараф этишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Исломий ва диний тадқиқотлар ўртасида ғоят катта фарқ мавжуд. Диннинг турли бўлимларида ишлайдиган кўплаб “исломчилар” диний мутахассислар эмас ва шунинг учун улар одатда диний назария ва терминологияни яхши билишмайди. Баъзи мусулмон профессорлар ҳатто исломшуносликка ҳам ўқимаганлар. Улар араб бўлганликлари сабабли ёки Исломдан дарс бера олишларини даъво қилганлари учун бу мавзу бўйича лекторлар бўлишди. Кўп ҳолларда улар араб тилини ҳам билишмайди. Энг долзарб муаммолардан бири шуки, кўплаб мусулмон профессорлар ё ўзларининг мазҳабий ёки диний хурофотларини келтирадилар ва ўз мавзуларига холис ёндашмайдилар. Бундан ташқари, исломшуносликни дин доирасида интизом сифатида такомиллаштиришга катта эҳтиёж бор ва бу борада бир нечта тадқиқотлар ўтказилди.

Пост-маърифатли Германияда динни ўрганиш Religionwissenschaft, яъни диншунослик сифатида бошланди, кейинчалик Wissenschaft des Judentums (Яхудий тадқиқотлари) ва Islamwissenschaft (Исломшунослик) кичик бўлимларини яратди. Бироқ, бу кичик бўлимлар ўртасидаги ягона фарқ марказ дини деб ўйлаш нотўғри. Илк Islamwissenschaft билан боғлиқ бўлган энг машҳур исмлар: Георг Фрейтаг, Антуан Исаак Сильвестр де Саси, Абрахам Гейгер, Густав Вейль, Теодор Нельдеке, Алоис Шпренгер ва Игнац Гольдзихер (Georg Freytag, Antoine Isaac Silvestre de Sacy, Abraham Geiger, Gustav Weil, Theodor Nöldke, Aloys Sprenger, and Ignaz Goldziher). Уларнинг барчаси мусулмон бўлмаган ва Исломни ўрганишда ўша вақтдаги марҳаматли шарқшунослик нуктаи-назарини қўллаган.

Диний тадқиқотлар соҳаси ниҳоятда ривожланди ва Исломга очик танқидий ёндашув деярли тарқ этилди. Аммо шунга қарамай, Farb Исломшунослигидағи энг машҳур назариялар ва матнлар ҳануззагча асосан атайлаб ёки билмасдан муаммоли терминларни ихтиро қилган олимларнинг асарларига асосланган. Бу атамалар орасида “фундаменталист”, “радикал” ва “центррист” каби сўзлар мавжуд. Ҳозирги кунда “фундаменталист” бу ашаддий анъанавий экстремистлардан тортиб, зўравон анти-америқалик экстремистларига қадар ҳамма учун умумий атамадир. “Фундаменталист”, “радикал”

ва “центррист” атамалари кутблашиш ва даҳшатли нотўғри тушунчага олиб келиши мумкин бўлган белгиларни ўрнатиш учун мўлжалланган. Файримусулмонлар мусулмонларни конференцияларда “мўътадил мусулмонлар” сифатида намойиш қилганда, бу таъриф бир хил қарашларга эга бўлмаган бошқа мусулмонларнинг ҳаддан зиёд фанат эканликларини англатади.

Исломшунослик диншунослик ҳимоясида олиб борилмагани учун, Қуръонни ўрганадиган мусулмон “мутахассислар” буни кўпинча Ғарбнинг талқин қилиш тушунчаларини (ва тегишли изоҳловчи луғатни) билмасдан қиласдилар. Мусулмон профессорлар ўз мавзуларига диний нуқтаи назардан ёндашсалар ҳам, уларнинг тақдимотлари одатда замонавийгача бўлган даврга қаратилган. Ал-Табарий, Ал-Замахшарий ва кўплаб мумтоз олимларнинг тафсирларини эшитишингиз мумкин, аммо Мухаммад Ал-Ғазолий ёки Таха Алалвонийнинг замонавий мулоҳазалари ҳақида камдан-кам эшитасиз. Бундан ташқари, мумтоз ва замонавий мусулмон олимлари, турли жихатидан бўлса-да, логоцентризм, фаллоцентризм, ўқувчи жавоб танқиди, претеризм, презентизм, таъсирли алданиш, қасддан алданиш, герменевтик доира ва илоҳий амри назарияси каби ғояларни муҳокама қиласдилар. Бироқ, уларнинг ғоялари тақдим этилганда, агар олим Ғарб атамасини билмаса, у параллель ўтказа олмайди ва керакли таққослашларни ошира олмайди.

Библия материаллари ва улар билан боғлиқ диний назариялар билан танишиб чиқа олмай, мусулмонлар кўпинча матнлараро боғланышларни ўrnата олмайдилар. Содом ва Гоморранинг вайрон бўлиши ҳақидаги воқеа бунга яққол мисолдир. Иброний Инжилда Иброҳим Лут қавмига илтижо қилиб, ўз ишини шу даражада билдирадики, Ибтидо китобида 18-суранинг охирги оятларида агар ўнта яхши одам бўлса, шаҳар илоҳий жазодан сақлаб қоладигандек туюлади. Агар Қуръон ўқувчиси ушбу ривоятнинг тафсилотларни (Қуръонда ифодаланмаган) 11:70-4да акс эттирган ҳолда келтирса, Лутнинг 11:78даги саволи ҳақиқатда бўлганидек қабул қилиниши мумкин: шунчаки ёлвориш эмас, балки илоҳий ваъдага жавобан маълум бир ҳаракатни қўзғатишга уриниши.

Иброҳим динларининг қиёсий мавзуларидағи дарсларда талабалар Қуръон оятларини ўрганишда тегишли Библия материалларини ўқиш билан бирга топилган фаркни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмадилар. Ғарб шарқшунослари тасаввурида (ва маълум даражада баъзи мусулмонларнинг идрокида) яратилган Исломда-ги хукм қилувчи, қатъий, тортишувчи Худо аслида кечиримли ва меҳрибон Раббийдир.

Исломшуносликнинг аянчли ҳолатини шарқшуносларга айблаш албатта осон бўлса-да, умуман исломшуносликка ва хусусан Қуръони Каримни ўрганишга янгича ёндашувгина мусулмонларни бу соҳага ҳар қандай мазмунли ҳисса қўшиши мумкин. Фазлур Раҳмон мусулмон илмида Исломнинг Муқаддас Китобига оид ик-кита асосий муаммони аниқлаб берди: бугунги кунда Қуръоннинг долзарблигини чинакам англамаслик ва бундай қараш анъана-вий равишида қабул қилинган фикрлардан айрим нуқталарда чет-га чиқишидан қўркиш. Муаммолар бир-бири билан боғлиқдир ва уларга Ғарб диншунослик тадқиқотлари нуқтаи назаридан ёнда-шиш ечими таклиф қилинади.

## **Ҳаммуаллифлар**

**ИСРАР АҲМАД ХАН**, Қуръон ва суннат профессори, Халқаро Ислом университети, Малайзия.

**ОИША МУСО**, Исломшунослик профессори, Диншунослик кафедраси, Флорида халқаро университети, АҚШ.

**МАҲМУД АЙУБ**, Исломшунослик ва христиан-мусулмон муносабатлари профессори, Хартфорд семинарияси, АҚШ. Тэмпл университетининг фахрий профессори, АҚШ.

**ХОЛЕД ТРУДИ**, Қуръон Герменевтикаси фалсафа доктори, Эксетер университети, Буюк Британия. Илмий ходим, Халқаро Ислом тафаккури институти, АҚШ.

**МУҲАММАД АБУ-НИМЕР**, Халқаро тинчлик ва мажароларни ҳал этишда халқаро хизмат мактаби доценти, Америка университети, Вашингтон. Тинчликпарвар ва тараққиёт институти директори, АҚШ.

**ИМАДЕДДИН АҲМАД**, Джорджтаун университети профессори, Вашингтон, АҚШ. Озодлик минораси институти президенти ва асосчиси.

**ДОВУД НАССИМИ**, Исломшунослик фанлари доктори. Вашингтондаги мусулмон ташкилотлари Кенгаши раисининг ўринбосари. Исломшунослик профессори, Фэйрфакс институти, Вирджиния, АҚШ.

**САМИ КАТОВИЧ**, Адвокат ва докторант, Тэмпл университети, АҚШ.

**МУҲАММАД ОДАМ ЭЛ ШАЙХ**, Ҳукуқшунос ва Шимолий Америка Фиқҳ Кенгаши аъзоси.

**ХАЛИЛ МУҲАММАД**, Исломшунослик бўйича профессор, Диншунослик кафедраси, Сан-Диего Давлат университети, Калифорния, АҚШ.



Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрлари-нинг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир.

Куръон ва суннат мусулмон иймони, ҳаёти, қонуни ва ахлоқининг икки асосий манбаидир. Мусулмонлар учун Куръон уларнинг иймонининг асоси, суннат эса уларнинг ахлоқининг асосидир. Улар биргаликда Худо қонунининг “шариат” (*Shari‘ah*) икки манбасини, кундалик ҳаётдаги фаровонлик ва баҳт-саодатга, шунингдек, охиратдаги роҳат-фароғатга кўлланмани ташкил этади. Куръон ва суннат моддий ва расмий жиҳатдан иккита мустақил манба бўлса-да, улар динамик муносабатлар билан ажralмас боғлиқдир. Куръондаги қарорлари ва буйруқлари (*ahkām*) Худонинг қонунини (*Shar’*) тузади. Улар *саҳиҳ* суннатнинг кўрсатмалари билан тўлдирилган бўлиб, уларнинг обрўси фақат Куръоннинг амрларидан кейин иккинчи ўринда туради. Куръон мусулмонларга буюради: “...Пайгамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар...” (59:7)

Ушбу эҳтиёжга жавобан Халқаро ислом тафаккури институти олимларнинг Куръон ва суннатни ўрганишлари учун ҳар йиллик ёзги мактабни чакирди. Бу жилдга киритилган ўнта мақола 2008-йилида биринчи ёзги институтнинг ишини ифодалайди. Ушбу тўпламни ташкил этувчи баёнлар аниқ бир мақсадга тегишли мунозараларга қаратилган. Тўплам Куръон ва суннатга боғлиқ бўлган, умумий ва ақлий қизиқишига, шунингдек, актуаликка эга бўлган, муҳим мавзулардаги турли асарлардан иборат.